

№20
(1454)
2023 YIL
25-MAY

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



Т. melo'zbekistondasog'liqlisaglash

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЖССТ АССАМБЛЕЯСИДА

МАҚСАД — ИНСОНИЯТ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ

Швейцариянинг пойтахти Женева шаҳрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 76-сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги делегацияси ҳам қатнашди



Женева... Дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири. Сайёҳу меҳмонларни ўзига оҳанрабодай тортувчи маскан. Алп ва Юра тоғ тизмалари этагида, Женева кўли ҳамда Рона дарёси қирғоғида жойлашган бу кентнинг бетакрорлиги фақат унинг сўлим табиати, кўҳна обида ва осори-атиқаларидагина эмас. Бу шаҳар жаҳон дипломатияси маркази ҳамдир. Халқаро майдондаги кўплаб муҳим учрашув ва мулоқотлар айна шу манзилда ўтказилади.

Давоми 2 - бетда▶

ДУНЁ МИНБАРЛАРИ УЗРА ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИГА БЕРИЛГАН ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Сессия доирасида ташкил этилган сил касаллигига барҳам бериш бўйича махсус тадбир юртимиздан борган соғлиқни сақлаш тизими масъуллари қатнашчиларнинг эътибор марказида бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, шу йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг туберкулёзга қарши кураш бўйича юқори даражадаги мажлиси бўлиб ўтади. Унга тайёргарлик доирасида ташкил этилаётган интерактив эшитувларни Ўзбекистон ва Польша ҳамраисликда мувофиқлаштириб борапти.

Давоми 2 - бетда▶



ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ КЕЛИШУВЛАР ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги делегациянинг АҚШга хизмат сафари тафсилотлари



Соғлиқни сақлаш тизимини хорижий илғор тажриба асосида янада такомиллаштириш бўйича вазифалар ижроси доирасида ҳамда тиббий таълим, фармацевтика ва давлат-хусусий шериклик йўналишларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги делегация шу йилнинг 7-13 май кунлари АҚШда хизмат сафарига бўлиб қайтди.

Давоми 4 ва 5 - бетларда▶

TIBBIYOT OLAMIDA

ЭЪТИБОР БЕРИНГ: САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ ХАЛҚАРО ТИББИЁТ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТАДИ



Шу йил 26-27 май кунлари қадимий ва ҳамيشа навқирон Самарқанд шаҳри Ўзбекистон — Германия халқаро тиббиёт форумига мезбонлик қилади. Бу нуфузли анжуман соҳада ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босиқча кўтариш учун кенг имкониятлар майдони бўлиши кутилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН –РОССИЯ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХАЛҚАРО ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Жорий йилнинг 3-4 июнь кунлари дунё сайқали—гўзал Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон—Россия соғлиқни сақлаш халқаро форуми бўлиб ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ЎРТАСИДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК



Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси (KOFIH) ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланган эди. Унда белгиланган вазифалар доирасида вазирлик ва Республика тез тиббий ёрдам маркази масъулларидан иборат делегация айна пайтда ушбу мамлакатда бўлиб турибди.

Ташриф давомида юртимиз тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича KOFIH билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари атрофича муҳокама этилади.

Бугунги сонда:



ЖССТ АССАМБЛЕЯСИДА

МАҚСАД — ИНСОНИЯТ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ

Швейцариянинг пойтахти Женева шаҳрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 76-сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги делегацияси ҳам қатнашди.



← Давоми. Боши 1-бетда

Бу ерда 40 дан зиёд халқаро ва 200 дан ортқ нодавлат ташкилотларнинг қароргоҳлари жойлашган. 194 мамлакатнинг делегатлари — жами 3 минг нафарга яқин меҳмон Женевада жам бўлиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 76-сессияси очилди. Иштирокчиларнинг асосий

қисми — соғлиқни сақлаш вазирлари, етакчи халқаро ташкилотлар, корпорациялар ва жамғармаларнинг вакиллари. Улар сафида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам бор. Қатнашчи давлатлар географияси ранг-баранг. Кўзланган мақсад эса муштарак — инсоният саломатлигини сақлаш!

Йиғилиш кун тартибидан сайёрамиз аҳолиси соғлиғи билан боғлиқ қатор глобал масалалар ўрин олган. Хусусан, тиббиётнинг бирламчи бўғинини ислох қилиш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлиги, сил хасталиги бўйича глобал стратегиялар, фавқуллода вазиятларда кўриладиган чоралар ҳамда

соҳадаги илмий тадқиқот ва инновацион ютуқлар муҳокама этилиши белгиланган эди. Очилиш маросимида, даставвал, сессия президенти, беш нафар вице-президенти ва кўмиталар раислари сайлаб олинди. Шундан сўнг йиғилиш кун тартиби тасдиқланди. Навбатда бир қатор халқаро ташкилотлар масъуллари, соғлиқни сақлаш вазирлари ўз қутлов сўзларини йўллади. Сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерришнинг онлайн видеомаърузаси намойиш этилди. Қолаверса, бир қатор ҳужуматлар раҳбарлари ҳам тўғридан тўғри трансляция орқали ўз

фикр-мулоҳазалари ҳамда ташкилотларини йўллади. Шундан кейин Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Гебрейесус сўзга чиқиб, сўнгги йилларда инсоният саломатлиги ва ҳаётини жиддий хавф остида қолдирган коронавирус пандемияси, маймун чеचाги (тпрох), вабо эпидемиялари ҳамда бошқа хасталикларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида тўхталди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги қароргоҳида бўлиб ўтаётган ушбу йиғилишнинг асосий муҳокамалари режа асосида олиб борилди.

Шунингдек, сессия доирасида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар бўйича давра суҳбатлари ўтказилди.

ДУНЁ МИНБАРЛАРИ УЗРА ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИГА БЕРИЛГАН ЮКСАК ЭЪТИРОФ



← Давоми. Боши 1-бетда

Бунга вазир Амрилло Иноятов ўз маърузасида кенгроқ изоҳ берди. Қайд этганидек, бугун юртимизда давлат раҳбари ташаббуси билан туберкулёз хизматининг ислох қилиниши натижасида

қарийб 130 минг нафар инсон ҳаёти сақлаб қолинди, касалликка чалиниш кўрсаткичи 43 фоизга, ўлим ҳолатлари эса 84 фоизга камайди. Ҳозир силни аниқлаш бўйича мамлакатда 5 босқичли замонавий лаборатория тизими ишлаб турибди.

Хасталик профилактикаси, диагностикаси ва муолажаси учун зарур барча дори воситалари давлат томонидан бепул таъминланмоқда. Биргина 2023 йилги Давлат дастурига мувофиқ, 2023-2026 йилларда дори ва сарфлов воситалари,

тиббий техника, мутахассислар тайёрлаш ва инновацион илмий изланишларга давлат бюджетидан 33 миллион, халқаро донорлар ҳисобидан эса 26,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг 13 та маъмурий ҳудудида “Ўпка саломатлиги” кўчма мобил бригадалари ташкил этилиб, чекка ва олис манзилларда яшовчи аҳоли бепул тиббий кўриқдан ўтказилади. Фтизиатрия ва пульмонология хизматлари интеграция қилиниши натижасида ўпка саломатлиги учун универсал ҳамда юқори технологик тиббий ёрдам бериш тизими яратилмоқда.

Вазир ўз чиқишида тадбирда билдирилган барча мулоҳазалар келгусида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинадиган Сиёсий декларацияга киритиладиган яқиний тақлифларни ишлаб чиқишда инобатга олинишини таъкидлади. Йиғилишда Ўзбекистоннинг силга қарши кураш бўйича тажрибаси яна бир бор ЖССТ доирасида юксак баҳоланиб, бошқа мамлакатларга намуна сифатида эътироф этилди.

Эслатиб ўтамиз, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2035 йилгача дунёда туберкулёздан ўлим кўрсаткичинини 95 фоизга камайтиришга доир стратегик мақсадни қабул қилган.

СОҲА РИВОЖИ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ КЕЛИШУВИГА ЭРИШИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 76-сессиясидаги иштироки доирасида ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Ключе билан учрашди

Қайд этилганидек, кейинги йилларда ташкилот билан ҳамкорлик алоқалари янада муштаҳкамланипти. Хусусан, 2019 йил сентябрь ойида ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директорлигига сайланган доктор Ханс Ключе 2020 йил 10 февраль кuni ўзининг илк расмий хорижий ташрифини бюрога аъзо 53 давлат орасида айнан Ўзбекистондан бошлагани ҳам бунинг тасдиғидир.

Пандемия даврида ЖССТ кўмағида мамлакатимизга COVID-19 га

қарши вакцина, тиббий жиҳоз ва препаратлар келтирилиши, ташкилот томонидан касал-

ликни даволаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар минглаб юртдошларимиз ҳаётини сақлаб қолиш имконини берди. Мулоқотда асосий эътибор мамлакатимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмағида амалга оширилаётган янгиланишларнинг аҳамияти, самардорлиги ва истиқболлари муҳокамасига қаратилди.

Учрашувда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, Оролбўйи минтақаси ва олис ҳудудлар аҳолиси сало-

матлигини янада яхшилаш борасидаги ишлар ҳамда уларнинг натижалари ҳақида маълумот берилди.

Қайд этилганидек, кейинги даврда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар даражасида трансформация қилишга киришилган. Бунинг натижасида тиббиёт халққа янада яқинлашиб, соҳада кўрсатилмаётган хизматлар қамрови ва сифати ошиб борапти. Хусусан, 2021

йил июль ойидан Сирдарё вилоятида синов тариқасида жорий этила бошланган давлат тиббий суғуртаси тизими ўзини оқлади ва навбатдаги босқичда бу илғор усул юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам оммалаштириляпти. Қолаверса, Ўзбекистон ЖССТ билан ҳамкорликда ноинфекцион касалликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, оналар ва болалар

Давоми 3 - бетда ▶

СОҶА РИВОЖИ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ КЕЛИШУВИГА ЭРИШИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 76-сессиясидаги иштироки доирасида ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге билан учрашди

←Давоми. Боши 2-бетда



саломатлиги кўрсаткичларини яхшилаш борасида ҳам ЖССТ тавсияларига қатъий амал қилмоқда. Чунончи, мамлакатимизда “Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида юкумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш имкониятларини яхшилаш” лойиҳаси доирасида ижобий кўрсаткичларга эришиляпти. Ташкилотнинг Европа минтақавий бюроси ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2022-

2025 йилларда Марказий Осиё мамлакатларида саломатлик ва фаровонликни қўллаб-қувватлаш бўйича “Йўл харитаси” бутун минтақа, шу жумладан республикаимизда коронавирус оқибатлари ва асоратларини бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бинобарин, ҳужжатдан глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ чора-тадбирлар ўрин олгани ҳам эътиборга молик. Ўз навбатида, Х. Клюге юртимиз тиббиётини трансформация қилиш

йўлидаги саъй-ҳаракатларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни таъкидлаб, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида яқин даврда Ўзбекистонга ташриф буюриш истагини билдирди.

Учрашув якунида ЖССТ Европа бюроси экспертларини мамлакатимизда “Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш” стратегиясини ишлаб чиқишга жалб қилиш бўйича келишувга эришилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ УЧРАШУВИ

Швейцариянинг Женева шаҳрида бошланган Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси 76-сессияси доирасида ЖССТ Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге билан Марказий Осиё давлатлари соғлиқни сақлаш вазирлари ўртасида норасмий учрашув бўлиб ўтди. Йўналиш бюро директори Х. Клюгенинг баёноти билан бошланди. Унда 2022-2025 йилларда Марказий Осиё мамлакатларида саломатлик ва фаровонликни қўллаб-қувватлаш бўйича “Йўл харитаси” ижроси юзасидан амалга ошириляётган ишлар ва келгусидаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

доир қатор муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олади. Қолаверса, мазкур эзгу ташаббус минтақа аҳолиси саломатлиги ва фаровонлиги даражасини юксалтириш учун сармоя ва бошқа зарур ресурсларни жалб қилиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов кейинги йилларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, унинг 53 давлатни ўз атрофида бирлаштирган Европа минтақавий бюроси билан ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Чунончи, пандемия даврида ЖССТ кўмагида мамлакатимизга COVID-19 га қарши вакцина, тиббий жиҳоз ва препаратлар келтирилиши, ташкилот томонидан касалликни даволаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар минглаб юртдошларимиз ҳаётини сақлаб қолиш имконини бергани мам-



нуният билан қайд этилди. Энди коронавирус оқибатлари ва асоратларини тезкор ҳамда самарали бартараф этиш — галдаги устувор вазифа. Бунда 2022-2025 йилларда Марказий Осиё мамлакатларида саломатлик ва фаровонликни қўллаб-қувватлаш бўйича “Йўл харитаси” муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бинобарин, ҳужжатдан глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ чора-тадбирлар ўрин олгани ҳам эътиборга молик. Чунки бу муаммо минтақа аҳолиси ўр-

тасида юрак-қон томир, нафас олиш тизими касалликларига чалиниш ҳамда ўткир ичак инфекцияларини юктириш хавфини оширади. Шунингдек, мураккаб экологик муҳит камқонлик, саратон ва сил билан ҳасталаниш кўрсаткичлари ошишига олиб келиши сир эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, якунда иштирокчилар “Йўл харитаси” ижросини жадаллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб олди.

ТИББИЁТ СОҶАСИДА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Тадбир иштироки доирасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги делегация Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ажар Гиният билан мулоқот ўтказди. Учрашувда қайд этилганидек, кейинги йилларда тиббиёт соҳаси бўйича икки томонлама ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланмоқда. Хусусан, 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили, 2019 йил эса Ўзбекистонда Қозоғистон йили деб эълон қилиниши бу борадаги дўстона муносабатларга янги суръат, сифат ва мазмун бағишлади.



бир қатор дастурлар амалга ошириб келиняпти. Тажриба алмашинувлари, маҳорат дарслари ташкил этилмоқда. Бу галги мулоқотда асосий эътибор Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, жумладан, унинг Европа минтақавий бюроси доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш истiqболларига қаратилди.

Таъкидланганидек, ташкилот ташаббуси билан ишлаб

чиқилган 2022-2025 йилларда Марказий Осиё мамлакатларида саломатлик ва фаровонликни қўллаб-қувватлаш бўйича “Йўл харитаси” минтақамизда соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олиб бориляётган саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган. Хусусан, мазкур ҳужжат Марказий Осиёда иқлим инкирози, COVID-19 пандемияси асоратлари ҳамда соғлиқни тизими билан боғлиқ

муаммоларни бартараф этиш, оналар ва болалар саломатлиги кўрсаткичларини янада яхшилаш, ноинфекцион касалликларнинг олдини олишга доир қатор муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олгани билан аҳамиятлидир. Қолаверса, мазкур эзгу ташаббус минтақа аҳолиси саломатлиги ва фаровонлиги даражасини юксалтириш учун сармоя ва бошқа зарур ресурсларни жалб қилиш имконини беради.

Учрашувда ушбу “Йўл харитаси”да белгиланган устувор мақсад ва вазифалар ижросини жадаллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, биргаликда илмий-амалий конференциялар, форумлар, семинар ва кўргазмалар ташкил этишга келишилди.

Жумладан, шу муносабат билан 2019 йилда мамлакатимизда ўтказилган Қозоғистон тиббиёти кунлари соҳадаги манфаатли алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун асос бўлди. Айни пайтда томонлар тиббиёт тизимини рақамлаштириш, тиббий сугурта тизимини жорий

қилиш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, фармацевтика тармоғини ривожлантириш каби қатор йўналишларда яқиндан ҳамкорлик келиб келмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили икки давлат тиббиёт соҳасидаги олий ўқув юртлири шифокорлари ва талабалари учун

ЎЗБЕКИСТОН-АҚШ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ КЕЛИШУВЛАР

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятов бошчилигидаги



← Давоми. Боши 1-бетда

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Сафар давомида делегация АҚШ ҳукуматига қарашли ташкилот ва тузилмалар, ҳамда хусусий олий таълим муассалари, хусусий сектор вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб келишувларга эришилди. Ташриф чоғида Америка Қўшма Штатларининг 6 та, жумладан Гарвард, Колумбия, Сент Луис, Жанубий Каролина, Вебстер ҳамда Небраска олийгоҳлари билан тиббиёт ва тиббий таълимни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Мазкур университетлар АҚШ олий таълим тизим фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган Higher Learning Commission (Олий таълим қўмитаси) томонидан аккредитациядан ўтган, биринчи ТОП-100 та муассасалар жумласига киради.

Гарвард университети геномика маркази билан тиббий-генетика соҳасидаги марказни ташкил этиш, уни энг сўнгги ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, АҚШ университетида ўзбекистонлик мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими раҳбар кадрларини ўқитиш, тиббий генетика мутахассислиги бўйича малакали тренерлар тайёрлаш, таълим бўйича Гарвард университети билан юртимиздаги соҳага дахлдор олий ўқув юртлири, ихтисослашган марказлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий алоқаларни кенгайтириш режалаштирилди. Тошкент тиббиёт академиясининг Биотехнологиялар маркази таркибидаги генетик илмий лаборатория базасида ўзаро алоқаларни ривожлантиришга розилик билдирди.

Бинобарин, Ўзбекистонда ташкил этиладиган Тиббий генетика марказининг архитектураси, дизайни, стратегия ва концепциясини биргалликда ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилди. Масъусетсга штатида жойлашган мазкур муассасага 1636 йилда асос солинган. Бу ерда 21 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олади. Хусусан, университетнинг Бостон шаҳридаги Гарвард тиббиёт мактабида соғлиқни сақлаш соҳасининг деярли барча йўналишлари учун мутахассислар тайёрланади. Ушбу муассаса битирувчилари орасидан 75 нафар Нобель мукофоти совриндори, АҚШнинг саккиз нафар президенти чиққан.

Колумбия университети билан учрашувда тўртта йўналиш — соғлиқни сақлаш, менежмент, ҳамширалик иши ва стоматология бўйича юртимиздаги барча тиббиёт олий ўқув юртлири, хусусан, Тошкент давлат стоматология институти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича келишувларга эришилди.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси стоматология соҳасида илмий грант лойиҳаларини рўйбга чиқариш, бу йўналишда ординатура ва докторантура тахсилини йўлга қўйиш, юқори босқич талабаларининг академик алмашинувини таъминлаш, ўқитувчилар касбий малакасини ошириш истиқболлари кўриб чиқилди. Ушбу олий ўқув юрти қарийб 270 йиллик тарихга эга. Муассаса жаҳон рейтингда юқори поғоналарни банд этиб келмоқда. Қолаверса, у Қўшма Штатлардаги энг йирик тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Бу ерда бакалаврият, магистратура ва докторантура босқичлари бўйича 18 та факультетда таҳсил олаётган талабалар сони 33 минг нафардан ошади. Уларнинг 11 минг нафардан зиёди хорижий давлатлар фуқароларидир. Колумбия университетининг асосий кампуси Нью-Йоркнинг нуфузли тумани – Манхеттенда жойлашган. Вашингтон-Ҳайтс тиббиёт маркази эса асосий тадқиқот муассасаларидан бири ҳисобланади.

Ўқув юрти битирувчилари орасидан 104 нафар Нобель мукофоти, 30 нафар давлат раҳбари, жумладан, АҚШнинг тўрт президенти чиққан. Жаҳон фармацевтика бозорида университет олимларининг кашфиёт ва ихтиролари (артрит, глаукома, саратон муолажасида қўлланиладиган дорилар ва ногиронлиги бор шахслар учун протезлар) ном қозонган.

Жанубий Каролина тиббиёт университети билан болалар нейрохирургияси, трансплантацияси (суяк жайралари трансплантацияси) бўйича тиббиёт ходимларини тайёрлаш тўғрисида келишувга эришилди. Яъни, ушбу ҳамкорлик доирасида Жанубий Каролина тиббиёт университети билан талабалар, ўқитувчи-профессорлар алмашинуви йўлга қўйилади. Жанубий Каролина тиббиёт университетидаги “Global health” ва “Global surgery” амалдаги дастурларида талабалар, ўқитувчилар, ёш шифокорлар билим ва маҳорат ошириш учун имкониятлар кенгайтирилди. Ўзбекистонда ўқитиш ва беморларни даволаш жараёнларини яхшилаш учун йўналтирилган қиска ва узок муд-

датли грантлар тақдим этилади. Бунда АҚШ университетлари мутахассислари даволаш методикаларини оммалаштириш, Соғлиқни сақлаш вазирлигига устувор йўналишларни белгилаб олишда кўмаклашиш мақсадида юртимизга юборилади.

Шунингдек, делегация аъзолари Жанубий Каролина тиббиёт университети клиникасида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган замонавий диагностика ва даволаш усуллари, инновацион тиббий технологиялар ҳамда янги усулдаги мураккаб жарроҳлик операциялари билан танишдилар.

Эътиборлиси, вазир Амрилло Ино-

ликни сақлаш менежменти” йўналишида йилига 100 нафар ўзбекистонлик мутахассисларни қайта тайёрлаш, тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш тажрибаларини ўрганиш ва тадбиқ қилиш бўйича меморандумлар имзоланди.

Делегацияни Вебстер университети президенти Жулиан Шустер ва 100 дан ортик жамоа вакиллари кутиб олди. Вебстер университети профессор-ўқитувчилари иштирокида, кенг форматда ўтказилган учрашувда икки томонлама ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ва педагог кадрлар тайёрлаш, қўшма илмий-тадқиқот ишларини олиб



ятов Жанубий Каролина тиббиёт университети президенти Дэвид Коул билан ҳам музокаралар олиб борди. Чарльстон шаҳрида жойлашган мазкур олий тиббиёт ўқув юрти бундан салкам 200 йил аввал ташкил этилган. Халқаро рейтингда 56-поғонада эътироф этилади. Университет 6 та — тиббиёт, фармацевтика, ҳамширалик иши, олий мактаб, стоматология ва соғлиқни сақлаш касблари коллежларидан таркиб топган. Муассасани йилига 3000 дан ортик талаба тамомлайди. Унинг қарийб 25 минг кишилик жамоаси халқаро даражада тан олинган профессор-ўқитувчилар ва шифокорлардан иборат. Ўқув юртининг 10 қаватли тиббиёт марказидан университет клиникаси, Психиатрия институти ва болалар шифохонаси ўрин олган. Энг муҳими, бу ерда йўлга қўйилган илғор таълим стандартлари ва инновацион ўқитиш методикалари халқаро миқёсда юксак эътироф этилади. Университет президенти Дэвид Коул 2014 йилдан буён мазкур олий ўқув юртига раҳбарлик қилади. Шу даврда бу ерда кенг қўламли ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, университет тиббий хизмат ва телемедицина дастурлари бўйича мамлакатда етакчилардан бирига айланди. Шу билан бирга, муассаса таркибида “MUSC Shawn Jenkins Children's Hospital” замонавий болалар шифохонаси қурилди. Университет клиникаси кетма-кет 8 йил Жанубий Каролинадаги “Энг яхши шифохона” сифатида эътироф этилган.

Тошкент Вебстер университети қошида, шунингдек Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Бухоро тиббиёт олийгоҳларида “Тиббиётда менежмент ва маркетинг”, “Ҳамшира – анестезиолог”, “Физиотерапевт -реабилитолог” таълим йўналишларини тузиш, “соғ-

бориш истиқболлари ҳақида келишиб олинди. Шундан сўнг вакилларимиз, университетнинг тиббиёт йўналишидаги таълим жараёнлари, илғор методикалари билан яқиндан танишдилар. Дунё бўйича алоҳида нуфузга эга ушбу нодавлат олий таълим муассасаси 1915 йилда ташкил этилган бўлиб, бешта академик департаментдан таркиб топган. Бу ерда дунёнинг қарийб 140 мамлакатидан 10 минг нафарга яқин талаба таҳсил олади. Соғлиқни сақлаш таълим йўналиши — энг нуфузли мутахассисликлардан. Вебстер университети дунёнинг 9 мамлакатаги — АҚШ, Австрия, Недерландия, Греция, Швейцария, Хитой, Сингапур ва Гана давлатлари катори Ўзбекистонда ҳам кампусларига эга.

Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида қўшма дастурлар асосида магистратура бўйича 2018 йилдан кадрлар тайёрланыпти. Хусусан, Тошкент шаҳридаги Вебстер университети Президентимизнинг 2019 йил 20 мартдаги тегишли қарори асосида ташкил этилган. Бу ерда АҚШ таълим дастурлари асосида мутахассислар ўқитилипти. Университетнинг хорижда узок муддатли ўқиш бўйича дастурлари АҚШ олий таълим муассасалари орасида энг кучли ўнталикка кирди, Ўрта Ғарбда эса биринчи ўринни эгаллади.

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ ТАШАББУС ВА КЕЛИШУВЛАР

БМТ Бош Ассамблеясининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтадиган туберкулезга қарши кураш бўйича юқори даражадаги мажлисига тайёргарлик кўриш юзасидан ташкил этилган интерактив эшитувларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирли-

ЎЗБЕКИСТОН-АҚШ

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ

деlegationнинг АҚШга хизмат сафари тафсилотлари



Амрилло Иноятов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Тадбирда соғлиқни сақлаш вазирликлари, БМТ тузилмалари, парламентлар, маҳаллий ҳукумат, халқаро донорлар, фуқаролик жамияти, илмий доиралар, тиббиёт ассоциациялари, хусусий сектор вакиллари билан иборат 600 дан ортиқ қатнашчи жам бўлди. Мажлиснинг очилишида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси раиси Чаба Кёреши, БМТ Бош қотибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов сўзга чиқди. Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Гебрейесуснинг онлайн табригида қайд этилганидек, БМТ Бош Ассамблеясининг жорий йил 24 февралдаги резолюциясига мувофиқ, интерфаол эшитувларни ўтказишни Ўзбекистон ва Польша мувофиқлаштириб боради. Буни вазир Амрилло Иноятов ўз чиқишида кенгрок изохлади. Қайд этганидек, бугун юртимизда давлат раҳбари ташаббуси билан туберкулёз хизматининг ислоҳ қилиниши натижасида қарийб 130 минг нафар инсон ҳаёти сақлаб қолинди, касалликка чалиниш кўрсаткичи 43 фоизга, ўлим ҳолатлари эса 84 фоизга камайди. Ўзбекистоннинг силга қарши кураш бўйича тажрибаси, пульмонология соҳасидаги ислохотлари БМТ, ЖССТ доирасида ва халқаро миқёсда яна бир бор юксак баҳоланди ҳамда бошқа мамлакатларга намуна сифатида эътироф этилди.

Ташриф давомида, шунингдек, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID)нинг Глобал соғлиқни сақлаш маъмурияти масъуллари билан мулоқот ўтказилди. Мулоқотда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликнинг сармоявий пакетини кенгайтиришга қаратилган дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан келишувга эришилди. 8 сентябрь кuni ўтказилган АҚШ-Ўзбекистон соғлиқни сақлаш форуми давомида янги кегайтирилган Ривожланиш мақсадлари учун грант шартномаси (DOAG) га қўл қўйилди. USAID грантлари асосида рўёбга чиқарилаётган қатор лойиҳалар тиббиёт соҳасини замон талаблари даражасида ривожлантириш имконини бермоқда. 2020 йилда ушбу агентликнинг мамлакатимизда ваколатхонаси очилиши икки томонлама муносабатлар юқори босқичга кўтарилганини тасдиқлайди. USAID билан узоқ муддатли ҳамкорлик

натижасида мамлакатимизда сил касаллигини видеотасвир ёрдамида даволаш ва кўёш энергияси, сунъий интеллект билан жиҳозланган, мобиль рентген нурлари каби инновацион ёндашувларни қўллашга эришилди. Мазкур хайрли ташаббуслар ҳатто энг олис ва чекка ҳудудларимизда ҳам силга қарши хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтди. Бинобарин, Агентлик пандемия даврида “COVAX” дастури бўйича Ўзбекистонга 9,6 миллион доза Pfizer ва Moderna вакциналари етказиб берилишида қўмаклашди. Ўз навбатида, USAID билан фармацевтика соҳасида ҳам алоқалар мустаҳкамланмоқда.

АҚШ Халқаро молия корпорацияси Ўзбекистонда давлат-шериклик лойиҳаларини амалга ошириши келишиб олинди. **Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Жаҳон банки гуруҳига аъзо бўлган Халқаро молия корпорацияси (IFC) раҳбарияти билан учрашди.** АҚШда IFC нинг Давлат-хусусий шериклик транзакциялари раҳбарлари билан ўтказилган музокаралар давлат-хусусий шериклик асосида Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида янги кўп тармоқли шифохоналарни куриш, улардан фойдаланиш ва жиҳозлаш тўғрисидаги келишув билан якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳамда Жаҳон банки гуруҳига аъзо бўлган Халқаро молия корпорацияси (IFC) ўртасида консалтинг хизматлари кўрсатиш тўғрисида Битим имзоланди. Мазкур ташкилотнинг асосий фаолият йўналиши ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорликни рағбатлантириш орқали уларнинг иқтисодий ўсишига қўмаклашишга қаратилган. Ушбу муассаса қўмағида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳрида жами 1100 нафар беморга гемодиализ хизматини кўрсатишга мўлжалланган давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилаётгани эътиборга молик. Натижада ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ҳамда Хоразм вилоятининг Урганч ва Боғот туманларида гемодиализ марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Тошкент шаҳридаги бундай муассаса ҳам беморларни қабул қила бошлаган. Шунингдек, Фарғона, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида Нурли терапия марказларини ташкил этиш

бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида Халқаро молия корпорацияси молиявий маслаҳат хизматлари билан иштирок этипти. Бинобарин, Фарғона вилоятида кўп тармоқли шифохона ташкил этиш бўйича умумий қиймати 140 млн. АҚШ доллари билан иборат давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ҳам истиқболли деб баҳоланмоқда.

ТИББИЙ УСКУНАЛАРНИ БОШҚАРУВ СИЁСАТИ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

